9 МАР 1993

8 МАРТ—ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# МЎЪТАБАР, МУКАРРАМ, МЕҲРИБОН

Ватан севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 6 март, шанба. № 42 (21.393).

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА 8 МАРТ ТАБРИГИ

Меҳрибон ва муҳтарам онажонлар!

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор ва гўзаллик байрами, Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март билан чин юракдан самимий табриклайман.

Шарқда азал-абаддан она, аёл сўзлари муқаддас ва мўътабар бўлиб келган. Улуғбек ва Навоийга алла айтган буюк ва мукаррам зот онадир. Сизнинг қўлларингиз бугун суюкли фарзандларимизга, жонажон Ватанимизга ёруғ йўл, саодат тилаги ила дуога очилгандир.

Ўзбекистон эндиликда келажаги буюк, кучли давлат бунёд этиш йўлидан бормоқда. Ҳар қандай давлатнинг асосини эса аҳил ва мустаҳкам оила ташкил этиши яхши маълум. Сизни биз оиламиз қуёши деб эъзозлаймиз. Сизнинг саховатли қалбингиз, меҳрли кўзларингиз хонадонимиз билан бирга жамиятимизнинг эртанги йўлларини ҳам файзли ва нурафшон қилишимизда, эл-юртимизда тинчлик, осойишталик ўрнатишда кўмак, умид ва илҳом бахш этади.

Сизнинг турмушдаги, истиқболимиз гуллари бўлган болалар тарбиясидаги қувонч ва ташвишларингиз ҳаммамизнинг диққат-эътиборимиздадир. Бу борада ҳар қандай қийинчилик ва муаммоларни бартараф қилиш давлатимиз сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Азиз ва муҳтарам аёллар!

Сизни юртимизга навбаҳор нафасини олиб келаётган ушбу қутлуғ ва гўзал айёмингиз билан яна бир бор қутлайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилангизда, ишда, ўқишда ва ижодда катта муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.



Абдусаттор ТЎРАЕВ олган сурат.

## АҲЛИ ЗЕБОЛАРНИ ҚУТЛАБ

Серқуёш ўлкамизда яна баҳор, яна янгиланиш фасли. Бу йилги баҳорнинг ўзгача маъноси, ўзгача чиройи ва нашидаси бор: истиқлолимизнинг иккинчи баҳори мустақиллик йўлидан дадил одим ташлаётган халқимизга, қадрли ва меҳрибон хотин-қизларимизга алоҳида байрам кайфияти бахш этяпти.

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Тошкентнинг Алишер Навоий номидаги санъат кошонасида пойтахт жамоатчилиги вакиллари, ишчи ва хизматчилар, фан ва маданият намояндалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар тўпландилар. Бу ерда Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков очди.

Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева Ўзбекистон хотин-қизларининг фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, республика «Маҳалла» жамғармасининг раиси Шукур Темуров меҳрибон ва мунис аёлларимизнинг ажойиб фазилатлари, уларнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисида гапирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда сўзга чиқиб, хотин-қизларни юртимизга навбаҳор нафасини олиб келаётган қутлуғ ва гўзал айём билан муборакбод этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов қатнашдилар.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталарининг катта байрам концерти билан якунланди.

(ЎзА).

## Ислом КАРИМОВ: ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТГИНА ФУҚАРОСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР БЎЛАДИ

**Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўли қандай, республика раҳбарияти пулнинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш учун нима чоралар кўрмоқда, республикада Ислом ақидапарастлигининг таъсири борми, Ўзбекистон рубль зонасида қоладими?**

Тошкентга келган хорижий мухбирлар билан 4 март куни бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовга ана шундай саволлар берилди. Ёзадиган ва суратга оладиган журналистларнинг бу катта «десанти»ни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги хорижий журналистлар уюшмаси ташкил этган эди.

Журналистлар учрашув учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдириб, у жаҳондаги етакчи ахборот маҳкамалари, газеталар, журналлар ва телерадиокомпаниялар вакиллари билан учрашишга рози бўлган биринчи Президент эканини таъкидладилар.

Ислом Каримов Ўзбекистондаги ҳозирги аҳволни таърифлаб, раҳбарият ўз олдига қўйган бош вазифа — тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолиш, миллатлараро тотувликка эришишдан иборатлигини таъкидлаб ўтди. Жуда кўп қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудидаги энг барқарор республикалардан бири бўлиб турибди. Республика ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўл бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган. Мустақил давлатни барпо этишнинг беш қоидаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқдаки, улар бир неча йилларга мўлжалланган дастурнинг пойдеворидир.

Бу қоидалар нималардан иборат? Ўзбекистон Президенти журналистларга ана шу қоидаларни тушунтириб берди.

Иқтисодиёт ҳамиша сиёсатдан устун туриши керак, у ҳеч қандай мафкурага бўйсунмаслиги лозим. Ёш мустақил давлат ҳаётининг бундай мураккаб ўтиш даврида, эски тузум устунлари қулаб, янгиси энди қурилаётган пайтда тартибсизликка ва ўпирилишга йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳокимият ожиз ва уқувсиз бўлса, ана шундай тартибсизлик ва ўпирилиш юз беради. Тожикистондаги фуқаролар уруши бунга яққол мисолдир.

Ҳар бир ёш давлатда чинакам демократик қонунларга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Аввало, барча фуқаролар бу қонунларга аниқ риоя этишларига эришмоқ зарур. Инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши билан шуғулланувчи етакчи халқаро ташкилотларнинг мутахассислари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, унинг қонунларини энг илғор Конституция ва қонунлар қаторига дадил киритиш мумкин эканини эътироф этдилар. Раҳбариятнинг мақсади ҳам ҳар бир фуқаро лавозими ва шахсидан қатъи назар бу қонунларга сўзсиз риоя қилишига эришишдан иборатдир.

Ҳамдўстликдаги бошқа республикалардан фарқли равишда Ўзбекистонда аҳоли барқарор кўпайиб бормоқда. Бу борада ҳам аниқ мақсадга қаратилган ижтимоий сиёсат алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги ўтиш даврида турмушнинг оғирлиги аён, деб таъкидлади Президент. Аммо республикада ахлат титиб емиш қидираётган одамлар йўқ, тиланчилик омон қолишнинг бирдан бир воситаси бўлган ҳам эмас.

Ислом Каримов журналистларнинг эътиборини Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятларига қаратди. У бозор муносабатларига ўтишнинг «100», «500» кунлик афсонавий дастурлари ҳақиқатдан узоқлигини таъкидлади. Янги иқтисодий тизимга машъум «сакраш» ва «ёриб ўтиш»ларсиз аста-секин ўтиш лозим. Бу соҳада шошма-шошарлик қилиш фақат зиён келтиради.

Президент давлатнинг молия-кредит сиёсати тўғрисида гапириб, Болтиқбўйи мамлакатларининг, Украинанинг тажрибаси миллий валютани жорий этиш шунчаки бир мақсад эмаслигини кўрсатмоқда, деб таъкидлади. Ўзбекистон имзоланган битимларга содиқ бўлиб қолади, у рубль зонасидан чиқмоқчи эмас. Бироқ, бу соҳада кўп нарса Россия раҳбарияти ўтказаётган сиёсатга боғлиқ. Афсуски, бу сиёсатни кўпинча олдиндан билиш қийин. Ўтган йили бошқа МДҲ мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқариш ҳажми камайгани қайд этилганига қарамай, ҳозир иқтисодиётни соғломлаштириш тамойили намоён бўлиб қолди. Мустақил мамлакатлар корхоналари ўртасидаги ўзаро фойдали алоқалар тикланмоқда, шубҳасиз, Ўзбекистон фуқароларининг дастурхони тўкинроқ бўлади. Бунда 750 минг гектарга яқин суғорма ер деҳқонларнинг шахсий фойдаланиши учун ажратиб берилгани муҳим аҳамиятга моликдир.

— Бундан икки-уч йил муқаддам экилган мевали дарахт кўчатлари тез орада ҳосил бера бошлайди, — деди Ислом Каримов. — Бу гапни юзаки тушунмаслик керак. Сўз республикада амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ҳақида бормоқда. Ўзбекистон ўзининг меҳнатсевар халқи, қудратли иқтисодий салоҳияти билан гуллаб-яшнаган мамлакатлар қаторига чиқиб олади. Бу хусусда менда ҳеч қандай шубҳа йўқ...

Нима учун республикада сиёсий партиялар ва ҳаракатлар «қисувга олинмоқда»?

Журналистлар билан учрашувда бу савол бир неча бор такрорланди. Ислом Каримов ҳам унга батафсил жавоб берди. Ўзбекистон Конституциясида, қонунларида мухолифатга тааллуқли турли сиёсий партияларнинг иш олиб бориши кўзда тутилган. Лекин жаҳон тажрибаси ҳам мавжуд. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг қайси бирида қонуний йўл билан сайланган ҳукуматни ағдариб ташлашни, халқни уруш гирдобига тортишни ўзига мақсад қилиб қўйган партиялар расмий равишда иш олиб боряпти?

Ўзбекистонда партиялар ва ҳаракатларни рўйхатга олиш тақиқлаб қўйилмаган, деди Президент. Лекин уларнинг дастурлари қани, мақсадлари нима? Улар нифоқ уруғини сочадиган чала-ярим шиорлар, шубҳали талаблардан ташқари ҳеч нарсани таклиф эта олишмайди. Айрим ахборот воситаларининг хабарлари асосида хорижда «Каримов ўта қаттиққўл раҳбар» деган фикр вужудга келди. Аммо ҳозирги ўтиш даврида, тинчлик шу қадар омонат бўлиб турган, инсонпарвар мусулмон динига алоқаси бўлмаган ислом ақидапарастлиги бош кўтариб, кучайиб бораётган бир пайтда беҳуда ён бериш ва муросаи мадора қилиш фожиага олиб бориши мумкин. Тожикистонда худди шундай бўлди, у ерда сиёсатбозлар бошлаб берган биродаркушлик уруши натижасида 30 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди.

Қонуний йўл билан сайланган кучли ҳокимият — Марказий Осиё минтақасида барқарорликнинг кафолати бўлиб, бу борада Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади.

Хорижий журналистларни Тожикистондаги аҳволни барқарорлаштиришда Ўзбекистон қандай ўрин тутгани ҳам қизиқтирди. Президент бу саволга батафсил жавоб қайтарди. Тошкентда имзоланган ялпи хавфсизлик тўғрисидаги шартномада кўзда тутилишича, МДҲ мамлакатлари бир-бирига ёрдам беришга мажбур. Ҳозир, деб таъкидлади Ислом Каримов, Россия Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликнинг кафили бўлиши лозим. Тожикистон Олий Кенгашининг илтимосига биноан Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг ҳарбий қисмлари фуқаролар уруши давом этаётган жойларга юборилди. Ўзбекистоннинг қандайдир жойларни «босиб олиши» тўғрисида гапириш ахлоқсизликдан бошқа нарса эмас. Минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётган, жаҳон ҳамжамияти эса бу фожиага мутлақо эътибор бермаётган бир пайтда мамлакатнинг қонуний сайланган ҳукуматига қардош халқ ёрдам берди. Ислом ақидапарастларининг ҳақиқий қиёфаси намоён бўлди. Замонавий қуроллар билан таъминланган, миллион долларлаб пули бўлган ақидапарастлар бу қадимий диёрни Эронга ўхшаш давлатга айлантирмоқчи бўлдилар. Лекин бегуноҳ кишилар қони эвазига бундай давлатни барпо этиб бўладими?.. Тўғри, Ўзбекистонга ақидапарастликнинг суқилиб кириш хавфи бор. Бироқ қонуний йўл билан сайланган ҳокимият, барча соғлом фикрли кишилар ақидапарастликнинг кириб келиши қон тўкилишига сабаб бўлишини, мамлакатни бир неча ўн йил орқага улоқтириб ташлашини англайдилар!

Ислом Каримов гиёҳвандлик ва бангфурушликка қарши курашга тааллуқли саволга жавоб қайтариб, Ўзбекистон яқин вақт орасида интерполга аъзо бўлишини, республика «оқ ажал»ни етиштирувчиларга ва уни тарқатувчиларга нисбатан муросасиз кайфиятда эканини айтди. Мана бир далил: икки кун олдин Афғонистондан бир неча юз килограмм банг республика ҳудуди орқали жўнатилишининг олди олинди. Юк — ёнғоқ деб кўрсатилган эди... Ўша ердан Тожикистонга ва бошқа қўшни мамлакатларга қурол-яроғ ҳам олиб келинмоқда. Бу ташвишли ҳол эмасми, ахир?..

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ишонадиган кучли ҳокимиятгина осойишталикни сақлаб қола олади, республикани юксалиш йўлига олиб чиқа олади. Бу соҳада кўп нарса журналистларга ҳам боғлиқ, деди Президент Каримов. Чунки улар ижтимоий фикрни вужудга келтирадилар, ахборотни миллионлаб кишиларга етказадилар. Ахборот эса ҳамиша ҳақиқатдан иборат бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти журналистларнинг кўпгина бошқа саволларига ҳам жавоб қайтарди.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

**Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси юрт оғаларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалаларини, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг фаолиятини такомиллаштириш вазифаларини муҳокама қилдилар. Бу ишда жамоатчиликнинг иштирокини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.**

Йиғилишда Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков нутқ сўзлади.

Юрт оғалари жиноятчилик, шу жумладан, уюшган жиноятчилик ортиб бораётганлигидан хавотирлик билдирдилар, республикада ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгиладилар.

Қорақалпоғистон юрт оғалари йиғилишининг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Мурожаатнома қабул қилдилар.

(ЎзА).

## СУВ ЙЎЛИНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

Кеча Бухорода «Дамхўжа—Навоий—Бухоро» сув йўли қурилишининг бориши ҳақида республика вазирликлари, концернлар ҳамда буюртмачи пудратчи ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков олиб борди.

Маълумки, ушбу сув йўлининг биринчи комплекси ишга туширилиб Навоий шаҳри аҳолиси ичимлик суви билан таъминланганди. Эндиликда иншоотнинг иккинчи қисмини ҳам ишга тушириш ҳаётий заруратга айланмоқда.

Йиғилишда сув йўли қурилишини тезлаштириш ва уни шу йилнинг 1 июлига қадар тугаллаш зарурлиги уқтирилди. Мазкур объектдаги ишнинг боришини ҳар икки ҳафтада текшириб бориш учун махсус штаб тузилди.

Йиғилишда Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳокимлари Д. Ёдгоров ва А. Айдарқулов иштирок этдилар.

Аслиддин БОЛИЕВ,
Нусратилла НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

## ҚУТЛАЙМИЗ

Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март арафасида мамлакат бўйлаб хушхабар тарқалди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Ўзбекистон овози» фахрияси Эътибор ОХУНОВАга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди.

Ҳамкасбимизни бу юксак мукофот билан табриклаймиз ва келгуси ижодида юксак парвозлар, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Шоира ижодидан намуналарни учинчи саҳифада ўқийсиз.

